



Хабар

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1996 йил, 8 март № 10 (187)

Сотувда нархи эркин

Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилиши ҳақидаги широрлар ҳеч қачон эскирмайди. Буни бугунги ҳаёт ҳам тасдиқлаб турибди.

Тошкент алоқа коллежи алоқа соҳасида малакали мутахассислар тайёрладиган асосий билим ўчоқларидан биридир. Бу ерда ёшларга таълим-тарбия бериш, касбуна ҳаёт ўргатиш борасида етарли тажриба тўплаган.

Маълумки, замона талаби алоқачи-мутахассисдан тинмай ўз устида ишлашни, давр билан ҳамнафас бўлишни тақозо этмоқда.

Буни ўтган йилги аттестация натижалари ҳам тасдиқлади.

Коллежда таълим-тарбия ишлари ана шу юксак талаблар мезонига мос равишда олиб борилмоқда. Кундузги бўлимда 300, сиртки бўлимда эса 200 нафар талаба таълим олмақда. Шунингдек, коллежда тайёрлов курси фаолият кўрсатмоқда. Айни чоғда коллежда ҳар йили 50 нафар ўқувчини қабул қилишга мўлжалланган лицей очил мўлжалланмоқда. Унга қабул қилинганларга яшаш, овқатланиш текиндр.

Тошкент алоқа коллежи ёшларни алоқачилик касбига ўргатиш билан бирга республикамизнинг узоқ туманларида меҳнат қилаётган алоқачиларнинг касб маҳоратларини

ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР

ошириш борасида ҳам ибратли ишларни олиб бормоқда. Коллеж директори Эркин Нуритдинов ташаббуси билан тўрт йил муқаддам давр талаби ва алоқа хизматиға бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқиб, кўп қиррали алоқа соҳасининг турли касб соҳиблари малакаси-

усул ва кўринишлари» мавзусидаги дастлабки машғулотлар тугалланди. Машғулотларға иктисодчилар, бозор муносабатлари ва алоқа соҳаси бўйича етакчи мутахассислар, пойтахт алоқа корхоналари раҳбарлари жалб этилди. Бу курсларнинг биринчи тингловчилари

кета олармиканман деган ҳавотир бўлади. Назаримизда, бу учрашувда ёшлар ўзларини тўлқинлантирган ана шундай саволларға тўлиқ жавоб олдилар.

Анджонлик алоқачиларға малака ошириш курсини битирганликлари ҳақидаги гувоҳномаларни топшириш чоғида коллеж ўқитувчилари, «Ўзбек-телеком», «Алоқинвест» концернлари, Тошкент шаҳарларaro телефон-телеграф станциясининг раҳбарлари қатнашишди. Коллеж директори Э. Нуритдинов ҳозир бўлганларға коллежда олиб борилаётган ва режалаштирилаётган ишлар, ўқув жараёнларини замон талабларига мослаштириш, узоқ туманларда меҳнат қилаётган алоқачилар малакасини ошириш борасидаги изланишлар, коллежнинг алоқа корхоналари билан алоқасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари ҳақида сўзлаб берди. Коллеж директорининг муовини, малака ошириш курсларининг бошлиғи Лев Иосифович Хавкин коллеж қошида 1,5 йилда кичик муҳандислар тайёрловчи гуруҳлар очилаётгани ҳақида гапирди.

«Алоқинвест» концерни раиси А. Тоғайалиев Анджонда алоқа тармоқларини ривожлантириш борасида олиб бо-

рилаётган ишлар, Тошкент шаҳарларaro телефон-телеграф станцияси бошлиғи М. Ш. Зоҳидов республикамизда алоқа техникасининг таракқиёти, яқин келажақда Ўзбекистон электралоқа соҳасида ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиши, «Ўзбек-телеком» концерни раисининг ўринбосари Эргаш Аллаев эса жойларда алоқачилар тайёрлаш, бунинг учун мактаблар билан доимий ҳамкорлик, иқтидорли, соҳаға қизиқувчан ўқувчиларни танлаш ва уларға ҳомийлик қилиш масалалари ҳақида гапирдилар.

Тингловчилардан Анджон шаҳар алоқа боғламаси бошлиғи Иброҳим Рисбоев, Қўрғонтепа электралоқаси боғламаси бошлиғи Иброҳимжон Тиллабоев, Қорасув электралоқа боғламаси бошлиғи Фахриддин Худойбердиев, Асака электралоқа боғламаси бошлиғи Маҳмуджон Ниёзовлар сўзға чиқиб, коллеж раҳбарияти тингловчиларға жуда яхши шароит яратиб берганлиғи, машғулотлар дастури шу куннинг долзарб масалаларини қамраб олганлиғи, ўқув жараёни эса юксак савияда ва ниҳоятда фойдали бўлганлиғини таъкидладилар.

Учрашув сўнггида битирувчиларға гувоҳномалар топширилади.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ,
Ш. ОТАБЕК



Суратда анджонлик тингловчилар.

ни ошириш бўйича коллеж қошида доимий курслар ташкил этилган эди. Биргина ўтган 1995 йилнинг ўзида республикамизнинг барча туманлари почта боғламаларининг раҳбарлари коллеждаги малака ошириш курсларида таҳсил олдилар. Яқинда туман электралоқаси боғламалари раҳбарларининг малакасини оширишга мўлжалланган «Бозор муносабатларида бошқаришнинг

Анджон вилояти шаҳар ва туман электралоқаси боғламаларининг бошлиқлари бўлишди. Машғулотлар якунланиш арафасида анджонлик алоқачилар коллежда таълим олаётган ўз ҳамюртлари — талабалар билан бир пиёла чой устида учрашдилар.

Ёш мутахассисларда янги иш бошлашда қандай жойға тушман, кимларнинг кўлида ишлайман, вазифамни уддалаб

ОЛАМДА НИМА ГАП?

* Янгиликлар * Воқеалар * Хабарлар

* Олий Мажлисида Президент Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқи асосида олдинда турган вазифалар муҳокама этилди.

* Матбуотда «Болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолиға хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари эълон қилинди.

* Тошкентдаги жаҳон иқтисодийети ва дипломатия университетиде Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март байрами муносабати билан учрашув бўлиб ўтди. Талабалар ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Гулмова сўзға чиқди.

* Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди.

* Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг делегацияси Францияға расмий тарзда бориб келди.

* Тошкентда республика Фан ва техника давлат кўмитаси ҳузурида Халқаро илм-фан, саноат, маориф ва санъат академиясининг Марказий Осие филиалини очилшға бағишланган таъсис анжумани бўлиб ўтди.

* Соёб ССРРнинг соёбқ президентини Михаил Горбачёв ўз номзодини Россия Президентлиғиға қўйиш ниятини билдирди.

* Тожикистонда нон ва нон маҳсулотлари, унга нарх эркинлаштирилиши муносабати билан давлат муассасалари ходимларининг маоши ўртача 1,6 баробарға оширилди.

* Москвада бензин нархи яна ўртача 15 фоизға қимматлашди.

* «Хамаз» жангарилари Куддусда яна бир автобусни портлатиб юбордилар. Бунинг оқибатида дастлабки маълумотларға қараганда 20 киши ҳалок бўлди, 14 киши жароҳатланди.

* Гренада пойтахтида Канада ҳамда Кариб ҳамдўстлиғиға аъзо бўлган 14 мамлакат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унинг кун тартибига минтақада савдо-сотикни эркинлаштириш масалалари қўйилган.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Алоқа вазирлиғида 8-Март Халқаро хотин-қизлар байрамиға бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда вазирлиқда ишлайётган хотин-қизлар ва меҳнат фахрийлари иштирок этишди. Ушбу тадбирда хотин-қизлар алоқа соҳасини ривожлантиришда ўз куч ва билимларини аямаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Бир пиёла чой устида бўлиб ўтган бу йиғилишда хотин-қизларға вазирлиқнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Тошкент вилоят электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси билан Жанубий Кореянинг «ДЭУ-телеком» фирмаси ўртасида телекоммуникацияни такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича шартнома имзоланди.

Шартномада Янгийўл, Ангрен, Олмалик, Бекобод шаҳарлари, Янгийўл, Паркент, Оққўрғон туманлари аҳолиси замонавий рақамли телефон хизматидан баҳраманд бўлиши кўзда тутилган.

ЖАМОА АҲИЛ БЎЛСА...

Оҳангарон тумани электралоқа боғламаси бош-лиги Зойд ҚОСИМОВ му-биримизга қуйидагиларни маълум қилди:

Ўтган йили Оҳангарон шаҳри бўйича мавжуд линия-кабель ҳўжалигини жорий таъмирлаш ишларига 4820 метр, ривожлантириш иш-ларига 4474 метр кабель ма-сулотлари сарфланди, кун-лик носозликлар сони 20-30 тага тушди. 6000 телефон рақамли АТС учун бу кўрсат-кич табиий ҳол ҳисоблана-ди.

Оҳангарон шаҳрининг 1,2,3,4 даҳаларида 500 та телефон ўрнатилди. Вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг 1995 йил август ойидаги бўйруғига асосан фуқаролар ҳисобидан эркин нарҳда те-лефон ўрнатиш ишлари олиб борилди. Шаҳар атро-фидаги Мунчоктепа маҳалла-сига қўшимча равишда 10 та, Нўғойқўрган қишлоғига 16 та телефон туширилди.

Ўзбекистон жомоа ҳўжа-лигида янги алоқа тизими ишлай бошлади. Шу тариқа телефон каналлари сони кў-пайди, ички телефон линия-лари таъмирланди, замона-вий қурилма ўрнатилиб, иш-

га туширилди.

Ангрэн жомоа ҳўжалигидаги барча ички телефон линияля-ри таъмирланди. Шаҳар билан ҳўжалик оралигида ишлаб тур-ган телефон каналлари алмаш-тирилди ва радиокучайтиргич ишга туширилди.

Қорахитой қишлоғига ҳам янги радиокучайтиргич ўрна-тилди. Шаҳар билан қишлоқ оралигида ишлаб турган ало-қа тизими ҳам янги усқуналар билан алмаштирилди. Бўша-ган алоқа тизими усқуналари тумандаги Олмалик ҳўжалиги-га ўрнатилди.

Навойи номили жомоа ҳўжа-лигида ҳам радиокучайтиргич таъмирланди.

С. Раҳимов номидаги жомоа ҳўжалигида 1024 рақамли АТС қурилмоқда. Бу АТСни Ўзбе-кистон Мустақиллигининг 5 йиллиги байрамида ишга ту-шириш мўлжалланмоқда. Хо-зирги кунда бу ҳўжаликда 100 рақамли АТС ишлаб турибди.

Қорхонамизда ишчи-хизмат-чиларни ижтимоий ҳимоялаш-га, уларнинг унумли меҳнат қи-лишлари учун яхши шарт-шароит яратиб беришга алоҳида эътибор берилмоқда. Алоқа-чиларга 53000 сўмлик кийим-бош ва пойабзал бепул тарқатил-ди. 7000 сўмлик қўл билан иш-

латиладиган асбоблар сотиб олинди. Шунингдек, конди-ционерларни таъмирлаш, стол чироқлари, вентилятор-лар сотиб олиш, дам олиш хонасини хиҳозлаш учун маб-лағлар сарфланди.

Мантўрлар, кабелчи-пайва-ндчилар, шошилинонома тар-қатувчилар ёз жазирамасида ишлаганликлари учун ойлик маошларига қўшимча ҳақ бе-рилди.

Электралоқа тармоғи иш-чи-хизматчиларининг ўртача ойлик иш ҳақи 2033 сўмни ташкил этмоқда. Ишчи-хиз-матчиларининг иш стажига ҳа-рақ қўшимча ҳақ тўланмоқ-да.

Мутахассисларнинг мала-касини ошириш, ўз устлари-да ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Қорхо-на ходимларининг 11 фоизи олий, 28 фоизи ўрта махсус, 61 фоизи эса ўрта маълумот-лидир.

Аҳил жомоамиз самарали меҳнатлари билан злу-юрт фаровонлигини ошириш ва юртимиз мустақиллигини яна-да мустаҳкамлашга муносиб улуш қўшаверади.

Б. НИҒМОНОВ,
ёзиб олди

Насибохон Имомназарова ўр-та мактабни тугаллаб, 1973 йи-ли Янгиқўрган почта корхонаси-га телеграфчиға шоғирд бўлиб ишга кирганда жингалак соч, мурғак қиз эди. Аҳмаджон Эр-матов унга устозлик қилди. Ху-нарға чанқоқ қиз тез орада те-леграфчилик хунарини пухта ўр-ганиб олди ва мустақил равиш-да ишлай бошлади.

бўлди. Айни пайтда у тафтишчи-йўриқчи вазифасида ишламоқда. Тафтишчи-йўриқчилик вазифаси анча масъулиятли. У 15 та алоқа бўлими ва операция зали ходим-ларига раҳбарлик қилиш билан бирга, уларга яқиндан ёрдам бе-риши ҳам зарур.

Шўртена алоқа бўлимига До-нахон Рустамова ишга келгач,

БИР СОҲАДА ЧОРАК АСР

Насибохоннинг қобилиятини ҳисобга олиб, маъмурият уни 1979 йили почта бўлимига опе-ратор қилиб ўтказди. Оператор бўлиб ишлаган йиллари почта бў-лимига келувчиларнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. Опе-раторларнинг Фарғона ва Кўкўн шаҳарларида бўлиб ўтган белла-шуварларида фахрли ўринларни эгаллади. Муҳаббатхон Қурбоно-ва, Ҳошимжон Ҳамроқўзиев, Ҳа-мидахон Сотволдиева ва Дона-хон Рустамовалар Насибохон Имомназаровадан операторлик касбини астойдил ўргандилар.

Насибохон Имомназарова би-лими, малакасини ошириш мақ-садида 1988 йили Тошкент ало-қа техникумини сирдан тугатди. Назоратчи бўлиб ишлар экан, ҳу-шёрлиги, талабчанлиги боис жа-моанинг иззат-ҳурматиға сазовор

тажрибасизлик қилиб, иш юритиш-да баъзи камчиликларға йўл қўйди. Насибохон Донахонға амал-лий кўмаклашди. Ҳозир Донахон ўз ишининг моҳир устаси. Наси-бахон алоқа бўлимининг бошқа ходимларидан ҳам ўз ёрдамини аямайди.

Насибохон Бувайда тумани алоқа бўлимида салкам чорак аср хизмат қилмоқда. Уни ҳамма танийди, иши тушган одамға кў-лидан келганча кўмаклашайди.

Насибохон Имомназарова бир қиз, уч ўғилнинг меҳрибон она-си, тарбиячиси.

Илғор алоқачи, меҳрибон она Насибохонни Халқор хотин-қиз-лар кўни — 8 Март байрами бил-лан табриклаб, ишлариде катта муваффақиятлар тилаймиз.

Қ. ТУРСУНОВ,
Уруш ва меҳнат фахрийси,
Фарғона вилояти



Яқинда Тошкент шаҳарлараро телефон станциясида буюртмачиларни республика-миз ва МДХнинг исталган шаҳари билан улаб бера оладиган электрон коммутаторлар ишга туширилди.

Суратда: телефончи-операторлар Г. Скороходова, Д. Ходиева, Н. Орипова, М. Нас-ритдиновалар буюртмаларни электрон коммутаторлар орқали бажаришмоқда.
Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ЖОНКУЯР АЛОҚАЧИ

Уйчи туман электралоқа боғламасида жонкуяр алоқа-чилар ҳақида гап кетгудек бўлса, ўз касбининг фидойи-си Маҳмудулло Қаландаров-нинг номи тилға олинади.

14-ўрта мактабда ўқиб юр-ган кезларидаёқ тенгдошлар катори бирор касб эгаси бўлиш унинг ҳам эзгу мақса-диға айланган эди. Ораулар-ни уни Тошкент Электротех-ника алоқа-институтига етак-лади. У кўп каналли электр-алоқа факультетиға ҳужжат топширди. Омад қилиб бо-киб, ўқишға қабул қилинди. Маҳмудулло «орзулари» уша-лаётганидан беҳад қувонди. Институтда олган билимла-рини мустаҳкамлашда Уйчи туман электралоқа боғлама-си бошлиғи, раҳматли Маҳ-муджон ака Мирзаабдуллаев-нинг меҳнатлари кўп сингди. Маҳмудулло Қаландаров

ўқишни битириб, дастлабки меҳнат фаолиятини бошлаган давридаёқ кўпчиликнинг эъти-борига тушди. Боғламадаги те-леграф, телетайп ёки ЛАЗ, коммутатор хонасидаги энг но-зик усқуналарнинг бир маром-да ишлаши Маҳмудуллоға ишониб топширилган.

Яқинда боғламада Германия-нинг «Алкател-Сел» фирмаси билан ҳамкорликда 1000 ра-қамли тармоқ мижозларға хиз-мат кўрсата бошлади. Унинг қу-лайлик томони шундаки, энди-ликда фуқаролар ўзлари «8» орқали керакли код ва теле-фон рақамларини териб, дунё-нинг исталган мамлакатлари билан, боғлана оладилар. Бу тармоқнинг ишга туширилиши-да жонкуяр алоқачи Маҳмудул-ло Қаландаровнинг ҳам муно-сиб ҳиссаси бор.

Қаҳрамонимиз ҳақида ҳам-касблари ҳам илиқ гапларни

айтишди.

— Маҳмудулло ўз касбини жони дилдан севади, — дей-ди боғлама бошлиғи Мўмин-жон Халилов. — Бошлаган ишини охириға етказмай қўймайди. У боғламамизда шаҳарлараро электралоқа му-ҳандиси сифатидагина эмас, камтаринлиги, ҳушфеъллиги билан ҳам эътибор қозонган.

Биз фойдаланаётган усқу-наларнинг кўпи аллақачон ўз вазифасини ўтаб бўлган. Та-бийки, улар тез-тез бузи-либ туради. Ана шундай пайт-да Маҳмудулло бор билими-ни, маҳоратини кўрсата ол-ди. Бунга кўп бор гувоҳ бўл-ганман. Боғламамизда у ка-би жонкуяр алоқачилар кўп. Уларнинг сафини ёш ходим-лар ҳисобига тўлдириб бо-ряпмиз.

Жомоа ҳурматини қозониш ҳам осон эмас. Маҳмудулло Қаландаров ана шундай ҳур-матға сазовор бўлган жонкуяр алоқачидир.

М. ҚАМБАРОВ,
Наманган вилояти

«АЛОҚАБАНК» ЯНА АКЦИЯ ЧИҚАРМОҚЧИ

Тошкентда «Алоқабанк» акциядорларининг умумий маж-лиси бўлиб ўтди. Мажлисини Банк кенгаши раиси Алоқа вазири Т. Раҳимов очди. Унда барча акциядорлар иштирок эттишди. Банк бошқаруви раиси Ҳаким Бобоназаров ҳисо-бот берди. Маърузачи «Алоқабанк»нинг «Низом жамғарма-си» дастлаб 4 миллион сўмдан иш бошлаб, ҳозир 10 мил-лион сўмға кўпайганини, қорхона ва ташкилотларға берил-ган кредит маблағлари 35 миллион 255 миң сўм ва банк-ларға берилган кредит 46 миллион сўм миқдориде экан-лигини, мижозлар сони эса 114 тага етганлигини, бунинг натижасида 19 миллион 526 миң сўм йиллик фойда олин-ганлигини, Республика Молия Вазирлиғи 45 миллион сўм миқдориде «Алоқабанк»нинг иккинчи акцияларини чиқариш учун «гувоҳнома» берганлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг мажлисда тафтиш комиссиясининг раиси Т. С. Палагута сўзға чиқиб, «Низом жамғармаси»нинг қан-дай йигилгани, сарф-харажатларининг ўз ўрнида ишлатил-гани, ортиқча чиқимларға йўл қўйилмаганлигини маълум қилди.

Мажлисда таклиф қилинган алоқа корхоналарининг раҳ-барлари ҳам қатнашиб, кўрилган масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. «Алоқабанк»нинг 1995 йилги фаолиятиға қўнқарли баҳо берилди ва тегишли масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Маҳаммадали ТУРҒУНОВ

Бугунги ҳаётимизни телефонсиз тасаввур қилиш қийин. Чунки бу тайёр «дастёр» узоғимизни яқин қилади. Шу боис телефон хизматиға талаб ортиб, унинг нуқталари ҳам кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини 2010 йилғача тараққий эттириш ва ривожлантириш Миллий дастуридан кели-б чиқиб, шу кеча-кундузда Термиз шаҳрида Хорватиянинг «Никола тесла» фирмаси билан ҳамкорликда янги замонавий 6-АТС қуриляпти. Иншоот қурилишиға бешта бригада — 50 нафар ишчи-хизматчи сафарбар этилган. Улар жорий йилни-

ТЕРМИЗДА ЗАМОНАВИЙ АТС ҚУРИЛМОҚДА

нг январь ойида 4,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлар-ини бажарадилар. Қурилиш ишларига тажрибали корфар-мон (прораб) Болта Абдураулов бошчилик қилаётир. Хуррам Холмуродов, Абдусалом Тошматов, Абдурахим Аннаев бош-лик қурилиш-монтаж бригадалари аъзолари кабель ўтказиш учун азбес қувурлар ётқизишда, бетон қудуқлар ўрнатишда фаоллик кўрсатмоқдалар. Хорватиялик ҳамкорлар эса зарур жиҳозлар ва усқуналарни пешма-пеш келтириб туришибди.

Янги станция ишга тотали кабеллар орқали ҳозирда Тер-миз шаҳрида ишлаб турган 3 ва 4-АТСлар билан боғланган. Ушбу янги АТС ишга тушса, Термиз шаҳри ва Сурхондарё вилояти аҳолиси сифатли замонавий телефон алоқаси хизма-тидан баҳраманд бўлишайди.

Маҳмуд МУҲАММАДИЕВ,
Сурхондарё вилояти алоқа қурилиш
ҳиссалорлик жамияти бошлиғи

**БАЙРАМИНИЗ ҚУПЛЎҒ БЎЛСИН
АЗИЗ ОНА - СИНИМЛАР!**

Онларнинг оёғи остида-
дур,
Равзаи жаннату жинон бо-
ғи.
Равза боғи висолин истар
эсанг,
Бўл онанинг оёғи туфро-
ғи.

Алтиер НАВОЙЙ

Марказий Осиё халқларининг қадимги замон ёзма ва оғзаки манбаларида аёллар ва эркаклар тенг маъведа яшаганлиги қайд қилинади. Ривоятларга кўра, сақлар қабилидан бўлган

ки, сен очкўз юхонинг қонга ташна-
налигингни қондираман». Кир бу сўзларга парво қилмади. Тўмарис қўшинни тўплаб жангга қиради. Тўмарис қасамедига қатъий бўлиб, Кирнинг бошини кесади ва қон билан тўлдирилган мешга солади. У айтиди: «Гарчи мен жангда ҳалоллик билан ёнган бўлсам-да, сен маккорлик билан мени ўғлимдан жудо қилиб, қайғуга солдинг. Мен оғзимга амал қилиб, сени қонга тўйдираман». Қиссада Тўмарис ўз юрти ва халқининг осойишта ва бахтиёр яшashi учун гамхўрлик қилувчи одил ва оқила

зумларда у ёки бу шаклда да-
вом этиб келди. Бироқ ўтми-
шимиз, тарихимиз, динимиз, қадриятларимизни қоралаш одат тусига кирган шўролар даврида эса аёлларга эътибор сусайди. Бу даврда аёлларимизнинг «юзини очиш» баҳонасида қолхоз даласига улоқтирилди ва очикчасига асоратга солинди. Қадимда энг мумотзо кадр-қимматга сазовор бўлган Аёл янги замонга келиб жабрланди. Мамалан, жаҳолат қурбони деб бонг урилган актриса Турсуной тақдири билан қарсақбозлик



Қизлар кулгусида баҳор!

«БЎЛ ОНАНИНГ ОЁҒИ ТУФРОҒИ»

эр бирор қизга уйланмоқчи бўлса, у билан майдонда курашга тушиши шарт бўлган. Агар қизни енгса уйланган! Бордию енгилб қолса, эркак уша қизини бир умрлик асири-қулига айланган...

Ватан ҳимояси учун ёвга қарши жангларда ҳам аёллар эркаклар билан тенг жангга кирганлар. «Аморг ва Спаретра» қиссасида айтилишича Эрон ҳукмдори Кир (Куруш)сақлар элига бостириб келади. Бу ерда Аморг ҳукмронлик қилар эди. Кир урушда ғолиб чиқади. Аморгни асир қилиб олади. Аморгнинг рафиқаси Спаретра бу воқеадан оғох бўлиб, барча сақларни ўз қўли остига бирлаштиради. Кирнинг қўшинида эркаклар ва аёллар баравар хизмат қилар, қўшинда 30 минг эркак ва 20 минг нафар аёл бўлган...

Мардона массагетлар подшоҳи Тўмарис ўғли ҳийла билан қўлга тушиб қолганда Кирга ушбу мазмундаги мактуб йўллайдди: «Қонхўр Кир,узум суви ёрдамда бўлган бу воқеадан курсанди бўлма. Сен ўғлимни жанг майдонига эмас, найраг билан қўлга олдинг. Энди қўлоқ сол, сенга яхшиликни наслахат қиламан. Ўғлимни менга топширигингда, қилган ишинг учун жазоланмасдан юртингга жўна. Йўқса, массагетлар тангрисни номи билан қасамед қилиб айтаман»

ҳукмдор сифатида намоён бўлади.

Марказий Осиё халқларининг босқинчиларга қарши мардонавор курашини акс эттирувчи «Аморг ва Спаретра», «Тўмарис», «Зариядр ва Одатида», «Стриангей ва Зариней» қиссаларида қадим даврадарда ҳам хотин-қизларнинг ихтимойи ҳаётдаги маъвеи эркаклар билан тенг бўлганлиги, севги-муҳаббатда, турмуш ташвишларида, қувонч ва шодлик, гам ва кулфатда бир-бирларига ҳамдард ва шерик бўлганлиги ифодаланган.

Юртимизда аёллар билан эркаклар ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида тенг ҳуқуқда бўлган даврларда давлат гуллаб-яшнаганлиги, аёллар камситилган даврларда эса таназзулга ўз ўтирганлиги ҳақида тарихда мисоллар кўп. Зеро, Амир Темурнинг марказлашган давлат тузумида Сароймулкхоним — Бибихоним, Шохруҳ, Улугбек салтанатида Гавҳаршодбегим, Бобурийлар саройида Гулбаданбегим, Қўқон хонлигида Нодирабегим, Бухоро хонлигининг Насрулло даврида Кенгасбегимнинг катта ихтимойи маъвега эга бўлганларини яхши биламиз!

Шундай қилиб, аёлларимиз қадим-қадимдан турмушда, ижтимоий-маънавий ҳаётнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатиб келганлар.

Бу аънаъна турли ихтимойи ту-

қурбони бўлган механизатор Турсуной Охунованинг аччиқ қисмати муштаракдир...

Миллий қадриятларни менсимаслик, халқнинг маънавий меросларига ҳурматсизлик сингари салбий ҳоллар раҳбарлик лавозимидаги айрим аёллар орқали амалга оширилди.

Бугун биз мустақиллик шароитида бундай қусурлардан фориғ бўлиб бораёلمиз. Жамиятимиз поклянишга юз тутди. Аёлни очикликка олиб чиқаман деб, унинг иззат-нафсини ерга урган қизил мафқуранинг ўзи фош бўлди...

Эндиликда жумҳуриятимизда, вилоятлар, туманлар, шаҳарларда қайтадан тузилган хотин-қизлар кенгашлари ўтмишини анал шу аччиқ тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, янги, соғлом қўчлар билан мустаҳкамланди. Улар аёлнинг Она сифатидаги, жамиятнинг етакчи ихтимойи кучи сифатидаги маъвени баланд кўтариш, аёлларни турмушининг, айниқса, қишлоқ хўжалигининг машаққатларидан халос этиш, мустақил жумҳуриятимизга ҳар жиҳатдан фойдаси тегадиган илми, соғлом, эътиқодли фарзандлар тарбиялаш учун шароит яратиш каби вазифаларни шараф билан адо этмокдалар. «Соғлом авлод учун» дастури ана шунга хизмат қилмоқда...

Ғулмоҳов ҒАҒУРОВ

ПАЙҒАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

Аллоҳ таоло сизларга хотинларга яхшилик қилишингизни буюради. Чунки улар оналарингиз, қизларингиз ва хотинларингиздир.

Агар киши ўз жуфти ҳалолига жилмайиб (севиб) боқса, у ҳам эрига жилмайиб қараса, Аллоҳ таоло ҳам уларга раҳмат назари билан қарайди. Агар қўлидан ушласа гуноҳлари панжалари остидан тўкилади.

Мен сизларга икки заифингиз ҳаққини ейишни ҳаром қиламан: етим ва хотинни.

Менга бу фоний дунёдан энг сеvimли кўрилган нарса аёл киши ва хушбўйлик (атир), кўзимни қувонтирган нарса эса намоздир.

Сизларнинг яхшиларингиз аҳлига яхши бўлгани ва мен сизлар орангизда аҳлимга энг яхширогингизман.

Аёлларни фақат улуг одамлар ҳурмат қилади. Уларни фақат пасткаш одам хорлайди.

Хотин-қизларнинг номусини ҳимоя қилиш, уларни қизғаниш имондандир. Қизғанмаслик эса мунофиқликдир.

Кимгаки Аллоҳ таоло солиҳа хотин насиб этган бўлса, динининг ярмига ёрдам қилибди, қолган ярмига ўзи тақво қилсин.

«МУҲАММАД ПАЙҒАМБАР» қиссасидан

ХАНДАЛАР

— Ўғлингни тиббиёт институтига бир амаллаб киритиб қўйган эдинг.
— Ҳўш, нима демоқчисан?
— Уқини ҳам таниш-билиш орқали аранг битирган ўғлинг бу илми билан одамларни қандай доволайди?
— Э, шунга ҳам ота гўри қозихонами? Ахир ўғлим врач эмас, бош врач бўлиб ишлайди-да!

Иўл ҳаракати назорати ходими шошиб кетаётган машинани тўхтатиб, сўради:
— Хоним, нега машинангизнинг рақами йўқ?
— Сиз сира хавотирланманг, мен машинангнинг рақамини ёддан биламан.

Бир киши оғайнисига керилиб, мақтанди.
— Бу дунёда имконсиз нарсанинғ ўзи йўқ.
— Шунанамми? — деди оғайниси ва олдида турган тиш пастасини сиқиб чиқариб, гап қотди. — Ундай бўлса, мана бунни яна қайта жойига киритиб кўрчи!

Бир дугона иккинчисига.
— Вой, муңча чиройли бўлмаса қўйлагинг. Унга амалда деярли мато кетмас экан.
— Айтингчи, товуғингизни нима бериб боқаяпсиз?
— Нега сўраяпсиз?
— Мен ҳам озмоқчи эдим.

Расулulloҳ алайҳиссалом онасини елкасига кўтариб олиб Каъбатulloҳни тавоф қилаётган бир йигитни кўрдилар. Онаси чарчаса, йигит онасини бир челе-

ОНА ҲАҚҚИ

када дам олдиран эди.
Йигит Расулulloҳдан:
— Онаминг бирор ҳаққини адо қилдимми? — деб сўради.

Расулulloҳ: — Йўқ, ҳатто мана шу хизматинг ҳам етмайди. Бу бир тўлқоқка тенг келади ҳолос. Чунки онанг дунёга келишингдан аввал сенга ҳаётни тилаб ўзи билан кўтариб юрган. Аммо сен ҳозир онангни кўтариб юрсангда, унинг ўлимини хоҳлайсан, — дедилар.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги
Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖўРАБОВ Шўхрат ЖАББОВ

Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АҲМЕДОВ (Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХУҲАМБЕРДИ
Бобоҳон ШАРИФ
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўриной АҲМЕДОВ

ОТАУЛИ Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шохруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Саид СИДДИҚОВ
Нурали ҚОБУЛ

* Мерос
Юсуф ТОВАСЛИЙ
ҲАЗРАТ ФОТИМАНИНГ САДАҚАСИ
Ҳазрат Али сеvimли хотини Фотимага бир гардонлик (зеби-гардон) совға қилган эди. Ҳазрат Пайғамбар суюкли қизи Фотиманинғ бўйнида бу гардонликни кўргач, Ойша онамизга шундай дедилар:
— Ё Ойша! Одамларнинг Пайғамбаримизнинг қизи бўйнида оташдан гардонлик бор эди, оловдан бир гардонлик кўрдик, деб сўзлашларини хоҳлайсанми?
Ҳазрат Ойша онамиз бу сўзларни Фотимага билдирди. Фотима эса бу гардонликни дарҳол соттириб, пулини фақир ва йўқсилларга садақа қилди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Муҳарририятта келган қўйималар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатта олиш №000011. Буюртма №1-0165. 9894 нусхалда чош этилди
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КАНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюқ Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 11

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
7.30 «Хафтаном».
8.00 «3.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 «Саёҳатнома». Италия таассуротлари. 7-курсатув.
8.55 «Зебо». Қизлар тележурнали.
9.25 «Таълим ва ислоҳот». Етуқ мутахассислар тайёрлаш масъулияти. Маърифий суҳбат.

10.00 Янгиликлар.
10.05 «Биздан овоз ва обод Ватан қолсин». Раҳбар — халқ таъничи.
10.35 «Ким андоқ?». «Оловдан эҳтиёт бўл, болажон!».

10.55 «Цирк! Цирк! Цирк!».
11.35 «Шартнома — ҳаққоний бўлсин». Публицистик курсатув.
12.10 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.45 «Оқ йиртқиқ ови». Бадийий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.


17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
Публицистик курсатувлар дастури:
18.10 I. «Замин фидойилари».
19.25 Ўзлонлар.
19.50 «Ахборот» (рус тилида).

19.55 Оқшом эртақлари.
20.10 2. «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
20.55 Ўзлонлар.
21.00 3. Етти икким ҳукмдори. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. Абдулла Орипов. «Сохибқирон» Бадийий ўқиш.

21.15 «Етти икким ҳукмдори» (давоми).
23.25 Ўзлонлар.
23.30 «Ахборот».

23.55 — 00.30 «Олам ва одам». Маърифий курсатув.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўзлонлар.
18.15 «Мультифейерверк».
18.25 ТВ II намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериял (Бразилия).

21.00 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан».
21.30 Ўзлонлар.
21.35 — 22.35 «Тошкент оқшомида».



ПАЙШАНБА, 14

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Иқтисод чорраҳаларида». Тележурнал.
8.55 «Хотиралар ва ўйлар». Академик Иzzат Султон билан суҳбат.

9.45 «Бир том остидан». Мультфильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фармон ва ижро». Мулк — давлат ҳимосидан.
Укув маншуотлари:
10.30 Ботаника.
11.00 Ўзбек тилини урганамиз.
11.30 География.

12.00 «Онлар мактаби». Тележурнал.
12.05 «Маърифат» видеоканали.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бу дамлар ўшар эртақка».
18.40 «Менда фикр бор». Телевизион клуб.

19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 Оқшом эртақлари.
20.10 «Ўзма-Ўз». Богот тумани хокимияти, Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутати Абдураҳмон Хужаниёзова билан мулоқот.
20.30 «Ахборот».
20.55 Ўзлонлар.
21.00 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. Абдулла Орипов. «Сохибқирон». Бадийий ўқиш.

21.15 «Кел, эй ерим». Мусикий дастур.
21.25 «Ишингиз бароридан келсин».
21.45 «Армонли дунё». Режиссер Дамир Шокиров.
22.30 «Ахборот».
23.55 — 00.45 «Кутлов». Ахбор Имомжўзев — 60 ёшда.

18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўзлонлар.
18.15 «Мультифейерверк».
18.25 «Тропиканка». Телесериял (Бразилия).
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 «Автосалон».
20.10 «Жай-Дай».
20.25 Ўзлонлар.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 «Сизнинг услуб».
21.15 «Жаҳон киноси юлдузлари».
21.40 Оханглар ва Ўзлонлар.
22.00 «Киногоҳ».
23.40 — 00.40 «СПОРТ КИТЪАСИ».

17.50 Янгиликлар.
17.55 Ўзлонлар.
18.00 «Олишув». «Олга, Аргамак». Телефильмлар.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 «Сизнинг услуб».
21.15 «Жаҳон киноси юлдузлари».
21.40 Оханглар ва Ўзлонлар.
22.00 «Киногоҳ».
23.40 — 00.40 «СПОРТ КИТЪАСИ».

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 7.30—9.00 «Телетонг».

18.20 — 21.40
21.40 «Асов дарёнинг жилволаниши». Телевизион бадийий фильм. 1-серия.
23.05 Ўзлонлар.
23.20 «Бу ажиб дунё».

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 23.30—23.50

23.50 — 24.00 «Кудук қазувчилар». Телефильм.
17.05 «Синёх одам». Бадийий фильм.
18.05 Ўзлонлар.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультикарусель».
19.55 Ўзлонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадийий фильм.
20.50 «Ахборот» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.10 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.
22.10 Ўзлонлар.
22.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
22.45 4. Аҳмаров хотирасига бағишланган курсатув.
23.15—00.05 «Кинематограф».

ЧОРШАНБА, 13

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 «Акс-садо». Қуддус Аъзамнинг муаллифлик курсатуви.
9.10 «Унутилмас сатрлар». Захриддин Мухаммад Бобур.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Эртада кўшнликлар».
Укув маншуотлари:
10.30 Янги алифбонин урганамиз.
11.30 «Сияҳ-саломатлик» почтасидан.
«Ассалом, япон тили».

12.05 «Гулгун чехлар». Кинодастур.
12.35 «Мактабимиз — фаҳримиз».
13.35 «Камондаги қалб». Мусикий дастур.
13.35 «Мозийдан садо».
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Наврўзи кўмсаб...».
18.35 Спорт хабарномаси.
18.55 «Хотиралар ва ўйлар». Табобат мўъжизалари. Тележурнал.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 Оқшом эртақлари.
20.10 «Иқтисод чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 «Ахборот».

20.55 Ўзлонлар.
21.00 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. Абдулла Орипов. «Сохибқирон». Бадийий ўқиш.
21.15 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Қўшиқлар кўрик-танлови.
21.25 «Хотиралар ва ўйлар». Академик Иzzат Султон билан суҳбат.
22.45 Каратэ. «Наврўз — 96». Халқаро турнири.
22.25 Ўзлонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.35 «Ешлигим — севгим баҳори». Концерт.

СЕПШАНБА, 12

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Рақслар гулдастаси».
9.10 «Оби ҳаёт». Жизжаҳ кўғирчак театрининг спектакли.
9.45 «Биржа ва банк хабарлари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Жаннат оналар оёғи остидадур». Публицистик курсатув.
Укув маншуотлари:
10.30 Длабист.
11.00 Немис тили.
11.40 «Бешинчи дровон». Видеоканал.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 7.30—9.00 «Телетонг».

18.20 — 21.40
21.40 «Асов дарёнинг жилволаниши». Телевизион бадийий фильм. 2-серия.
23.05 Ўзлонлар.
23.20 «Бу ажиб дунё».

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 23.30—23.50

23.50 — 24.00 «Кудук қазувчилар». Телефильм.
17.05 «Синёх одам». Бадийий фильм.
18.05 Ўзлонлар.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультикарусель».
19.55 Ўзлонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадийий фильм.
20.50 «Ахборот» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.10 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.
22.10 Ўзлонлар.
22.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
22.45 4. Аҳмаров хотирасига бағишланган курсатув.
23.15—00.05 «Кинематограф».

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Наврўзи кўмсаб...».
18.35 Спорт хабарномаси.
18.55 «Хотиралар ва ўйлар». Табобат мўъжизалари. Тележурнал.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 Оқшом эртақлари.
20.10 «Иқтисод чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 «Ахборот».

ШАНБА, 16

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Эл ардоқлаган санъаткор». Ўзбекистон халқ артисти Ҳамда Умаровнинг хотирасига бағиш. Мухим номидаги Ўзбек Давлат Умаи драма театридан эзб олинган.
10.00 «Футбол майдонларида».
10.30 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг 70 йиллиги олдидан. «Дилдаги гаплар».
11.20 «Ешлик» студияси. «Мақтуларнингизни ўзи».
11.50 «Тараннум». Мусикий дастур.
12.20 — 14.00 «Мазнавийат» видеоканали.

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 «Ганафус». Мультфильм.
18.10 Болалар учун. «Қувонқлар даврасида».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.50 «Киносалон». Кино олами янгиликлари.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртақлари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Ўзлонлар.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Қўшиқлар кўрик-танлови.
21.05 «Олим сари». Енгил атлетика.
21.50 «Ахборот ва роллар». Мухим номидаги Ўзбек Давлат мусиқа драма театрининг актери Дилдор Саёрова.
22.50 «Ўғли ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЖУМА, 15

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 «Армонли дунё». Режиссер Дамир Шокиров.
9.10 «Ишингиз бароридан келсин!».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Раҳдан Қоимлов қўшнликлари.
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.
12.00 «Кишлоқ тадбиркорлари». Тадбиркорнинг бир куни.
12.30 «Кичкинтойга қат келди».
13.00 «Экология ва саломатлик». Чилдиндилари қайта ишлаш муаммолари.
13.30 «Ғазалон вилгаи».
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
18.30 «Янгилаш йўлида». Андижон механика заводи иш таърибисидан.
18.55 «Оламга сабаҳат». Кинокурсатув.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.

23.50 — 00.20 «Жонли сайёра».
10.00 «Том Сойер» ва Гекльберри Финн саргузаштлари». Болалар учун фильм. 2-серия.
11.05 Ўзлонлар.
11.50 «Янги-мирас» (татар тилида).
11.55 «Янги иқтисод».
12.25 — 13.05 «Замандас» (қозоқ тилида).

17.05 «Дорбоз Тошкенбоевлар». Телефильм.
17.30 «Мюзик-холл».
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Синёхдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Ўзлонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадийий фильм.
20.50 «Телетанг».
21.10 «Бугунги Европа».
21.30 «Олам ва одам».
22.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
22.25 «Бу ажиб дунё».
22.45 «Янги технология дўкони». Ўзлонлар.
23.10 — 24.00 «Кинематограф».

ЯҚШАНБА, 17

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Затанимга хизмат қилман».
11.00 «Умр ҳақларини». Кибриё Каҳарова.
11.30 «Шоҳрух» клуби.
12.05 «Отлар сўзи — экинчи кўзи».
13.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.50 — 15.30 «Болалигим — пош-шоллигим». Видеоканал.

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Усмирлар учун. «Етига — ети». Телетанлов.
18.50 «Замон».
19.05 «Яннан жаҳонда...».
19.25 Ўзлонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Ўзлонлар.
20.00 «Ўзбекистонда хизмат кўрсатувчи гаитрият Козим Қюмовнинг янги қўшиқлари».
20.25 Ўзлонлар.
20.30 «Хафтаном».
21.00 Ўзлонлар.
21.05 «Беш халқа жозибаси». Олимпиядачилар баъзи.
21.50 «Учрашув». Шароф Бошбеков.
22.25 Ўзлонлар.
22.30 «Хафтаном».
24.00 — 00.30 «Жаҳон киноси юлдузлари». Жина Лолобриджиди.

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 23.30—23.50

23.50 — 24.00 «Кудук қазувчилар». Телефильм.
17.05 «Кўзумчюк». Болалар учун курсатув.
17.35 «Такдир». Шаҳс ва жамият.
18.05 Ўзлонлар.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультикарусель».
19.55 Ўзлонлар.
20.00 «Тадрилот». Ахборот курсатуви.
20.15 «Тажриба ва тадқиқотлар». Сифатли махсусот ишлаб чиқариш.
20.45 «Спорт-тайм».
21.15 «Оқ соя».
21.45 Ўзлонлар.
21.50 — 22.30 «Франция киносанъати».

9.00 «Эртақ».
9.20 «Ривоят».
9.30 «РАКС» тақдим этади.
10.05 «Тасвир».
10.30 «Таманно».
10.40 «Олам».
11.30 «Виждон». Телесериял (Миср, Араб Республикаси).
12.15 «Оханглар оғушида».
12.30 «Илком чўққилари».
12.50 «Кунгил».
13.50 Виде янгиликлари.
14.10 Оханглар ва Ўзлонлар.
14.10 Видео.
16.10 — 17.00 «СПОРТ КИТЪАСИ».

18.00 «Келгуси ҳафтада».
18.10 Ўзлонлар.
18.15 Болалар учун. «LEGO сайёра-си».
18.40 «Виждон». Телесериял (Миср, Араб Республикаси).
19.30 Ўзлонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Ўзлонлар.
20.00 «Салом, ёшлар!».
20.25 Ўзлонлар.
20.30 «Хафтаном».
21.00 Ўзлонлар.
21.05 «Илком сатрлари».
21.10 «Фармел».
21.20 «Оханглар оғушида».
21.30 «Шаҳс ва баҳс».
21.50 «Дарачи».
22.00 «Келгуси ҳафтада».
22.10 Оханглар ва Ўзлонлар.
22.30 — 00.10 Видео — «С».

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 18.20—21.40

21.40 «Асов дарёнинг жилволаниши». Телевизион бадийий фильм. 1-серия.
23.05 Янгиликлар.
23.05 Ўзлонлар.
23.10 «Бутун умр мобайнида». Телефильм.

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 23.30—23.50

23.50 — 24.00 Катталар учун мультфильм.
10.00 «Эй Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Эртақларнинг сехрли олами».
10.50 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 Ўзлонлар.
12.15 «Дарса кўнгирок».
12.45 «Ездалик учун дастхат».
13.10 — 13.40 «Болалар ва дунё».
17.00 «Сенинг вақтинг». Ешлар дастури.
17.30 «Миср эҳромлари». 1-курсатув.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Синёхдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Ўзлонлар.
20.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
20.55 «Хонадонингизда осойишталик».
21.55 «Буюк Турон». Лотерея уйини.
22.25 «Бу ажиб дунё».
22.45 Ўзлонлар.
22.50 — 23.50 «Сиз учун қўлайман».

(Тошкентдан гапирмак ва курсатимиз теледастуридан олинди).